

## Ибратдан ибрат олиб

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 ташабbus сувунги кунда ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, биринчи ташабbus ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъододини юзага чиқаришга хизмат қилади.



Бу борада институтимизда ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факултетининг 5430500- Қишлоқ ва сув хўжалигига энергия таъминоти таълим йўналиши 1- курс талабалари Алишер Навоий номидаги кинотеатрга ташриф буюришди.



Кинотеатр маънавият ўчоғи деб бежизга айтишмас экан. Ҳақиқатдан ҳам кинотеатрга бориб, зарур бўлган ҳаётий таълим-табияни олишди. Ушбу кино театрда “Ибрат” номли кино намойиш этилди. Бу кино театрдан талабалар мароқ билан томоша қилишди ва катта таассуротларга эга бўлиб қайтишди. “Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш” кафедраси доценти Ў.Халиқназаров ахбороти

**TIQXMMI матбуот хизмати**